







Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Маҳорат дарслари

Самарқанд

Вилоят ўрта-максус, касб-хунар таълими бошқармаси ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамкорлигида "Инглиз тилини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш ва баҳолаш мезонларини тўғри татбиқ этиш" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Самарқанд давлат чет тиллар институти мутахассиси Дилафруз Ғиёсова. Улар тингловчиларга дарсларни инновацион технологиялар асосида ўтишнинг илғор усуллари аниқ мисоллар асосида кўрсатиб беришди.

Яқунда фаол тингловчиларга сертификатлар топширилди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифат ва самарадорлик

Сирдарё

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Siga-dayo-Mega-Luks" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган полипропилен қадоклаш воситаларига йил сайин талаб ортмоқда.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Siga-dayo-Mega-Luks" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган полипропилен қадоклаш воситаларига йил сайин талаб ортмоқда.

Чунончи, Сирдарё туманида жойлашган маъмурият қўшма корхона жамоаси ўтган йили синтетик матодан 21 миллиард 483 миллион сўмлик турли ҳажмдаги қоплар тайёрлади.

Айни пайтда жамият мутасаддилари томонидан шундай маҳсулот тайёрловчи иккинчи корхона ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шифобахш дамламалар

Сурхондарё

Термиз шаҳридаги "Nova Pharm" Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасининг иккинчи босқичи ишга туширилган, бу ерда шифобахш дамлама ҳамда суяк малхаллар тайёрлашга қаратилган. Шунингдек, янги усул ва дастгоҳларни бошқариш учун махаллий мутахассислардан 35 нафари ишга қабул қилинди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда корхонада бир марта фойдаланиладиган шприцлар, инфузион, инъекцион эритмалар ҳамда бошқа турдаги дори воситалари тайёрлашни ўзлаштириш борасида изланишлар олиб бориляпти.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экологик тоза маҳсулот

Тошкент вилояти

Бино ва иншоотларни пардозлашда бетонли ҳамда гипсли қотишмалар ўрнига энгил пенопластдан фойдаланиш урф бўлмоқда. Экологик тоза ва ҳар жиҳатдан қўлай бундай қурилиш ашёлари мамлакатимизга, асосан, хориждан келтирилади.

Урта Чирчиқ туманидаги "Барака декор" қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ана шу эҳтиёжнинг катта қисmini қоплаш имконини бераёпти.

Умуман, бу каби лойиҳалар шарофати билан ўтган йили туманда қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 20 фоиз кўпайган.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МУШОҲАДА

Ҳазрат Алишер Навоийнинг кўпчиликлари ёд бўлиб кетган машҳур бир рубоийсида шундай маъно-мазмун муҷассам: инсон ўзга юртларда ҳеч қачон шод-хуррам бўлолмайди.

Инсон манфаатлари — устувор мезон

Шукри, биз истиклол ва у туфайли яратилган кенг имкониятлардан баҳрамандмиз. Ўзбекистонимиз обод мамлакатга айланди. Мустақилликнинг йигирма бешинчи довонига қадам қўйдик.

Бундан йигирма беш йил муқаддам жаҳон афкор оммаси учун Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган миллат нотаниш бўлса, эндиликда улар мамлакатимизни ҳам, халқимизни ҳам яхши билишади.

Бундай бекиёс ютук ва муваффақиятлар бизни қанчалик гурурлантирса, истиклолимизни, Ватанимизни, азалий анъаналаримизни шунчалик авайлашга, қадрлашга ундайди.

— Тинч ва осуда юрдага яшаётганлигимиз, эртанги кунга бўялган қатъий ишонч, фарзандлар камол



Хосон ПИЙДСЕВ олинган сурат.

янгиланмайми. Дилноза Абдиева — ана шундай иқтидорли фарзандларимиздан бири. Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида тахсил олаётган бу қиз 2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендианти бўлди.

— Табриқдаги "...биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига қўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида кўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, авваламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади", деган сўзлар

биз, ёшларнинг қалбимизга муҳрланди. Давлатимиз раҳбарининг бу фикрлари, табиийки, ўз оиласининг, фарзандларининг эртанги кунини ҳақида ўйлайдиган юртдошларимизни бефарқ қолдирмайди.

Хозир ёшим 23 да. Истиқлол йилларида ўсиб-ўлғайдим, камолга етдим. Фан олимпиадаларида қатнашиб, қатор ютуқларга эриш-

римизни ўйлаб, меҳрини аямаётган Президентимиздан беҳад миннатдорим.

— Табриқда яна бир муҳим масала — оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, Соғлом она ва бола йилининг аҳамияти, бу йилдаги асосий мақсадларга алоҳида ургу берилган, — дейди "Шўхрат" медали соҳибига, тиббиёт фанлари номзоиди Шохида Дадамухаммедова.

Хўш, эришилаётган бундай муваффақиятлар қайси жиҳатлари билан аҳамиятли? Бу саволга ҳам давлатимиз раҳбарининг табриғидан жавоб топами: "2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг кучқудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга гурур ва ифтихор бағишлайди."

Тасаввур этшининг ўзи ҳам қийин бўлган ана шундай улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган нуқтаи назардан босиб ўтган йўлимизни баҳолаб эканмиз, тўла ишонч билан айтмоқчиман: бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, ана шу натижаларга эришиш йўлида машаққатли синовларда тобланган, мард ва танги халқимиз олдида, барча-барча ватандошларимиз олдида чин қалбдан тазъим қилишни ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман".

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Мардлик ва фидоийлик ҳарбийларимизнинг қалб амридир

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладик.

ДИЛ СЎЗИ

Жумладан, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустақамлаш мақсадида миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, ҳарбий хизмат макъбени ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда ҳаётга таътиқ этилган кенг кўламли ислохотлар самаралари ҳақида фикр юритилди.

ва сержант кадрлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларида эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаслик, таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳалларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан гурурланиш ва ҳарбий хизматга чукур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш бўйича ишларни кучайтириш каби бир қанча жиҳатлар устувор аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-машаққат шaroитимизни яхшилаш йўлида ҳам катта гамхўрлик кўрсатилганлигини қайд этиш ўринли. Шахсан мен учун жорий йил қўшалоқ байрам билан бошланди. Камтарона хизматларим қадрланиб, Ватан ҳимоячилари кунини арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим.

Исмоилдин НОРҚОБИЛОВ, майор, «Жасорат» медали соҳибига.

Тупроқ унумдорлигини оширади

Қўқон ўрмон хўжалиги мутахассисларининг изланишлари самара берди. Янги ҳудудда бинокорлик ишларида кенг қўлланиладиган терак даратининг янги нави яратилди.

ИЗЛАНИШ мослаша олади. Айниқса, шўрхок ерларда янги илдиш отиб, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 154 334 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТАХРИРИЯТГА келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан сақланган.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — З. Ашурова. Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.